Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 139 (7. 228) ◎ 1990 йил 21 июнь, пайшанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

◎ 1990 йил 19 июнь куни Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида очилган Россия партия конференцияси кеча ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов раислик қилди.

Конференция қатнашчилари мандат комиссиясининг маърузасини тингладилар. Маърузани комиссия раиси Г. М. Ходирев қилди.

Конференция мандат комиссиясининг маърузасини тасдиқлади ва Россия партия конференциясини РСФСР Коммунистик партиясининг Таъсис съезди деб эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сўнгра съездда ҳозирги пайт ва Россия Федерацияси Коммунистик партиясини тузиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Бугун рўзномаларда Таъсис съезди ҳақида ахборот, мандат комиссиясининг маърузаси ҳамда Россия коммунистлари анжумани ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

◎ Жумҳуриятимиз рўзномаларида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссияси раиси депутат П. Қ. Ҳабибуллаевнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясидаги «Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида»ги маърузаси берилган.

◎ «Известия» рўзномасида «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни берилган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ахборот

19 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси депутат П. Қ. Ҳабибуллаев маъруза қилди. Халқ депутатлари лойиҳани асос учун қабул қилдилар ва комиссияга айтилган мулоҳазалар ва таклифларини ҳисобга олиб, уни Олий Совет тасдиғига киритишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети таркибини муҳокама қилиш натижасида унинг раиси Ш. З. Ўразаевга номзодларни депутатларнинг кенгроқ доираси иштирокида яна бир марта муҳокама қилишни топширишга ва уларни Олий Совет тасдиғига тақдим этишга топширишга қарор қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсандовга сўз берилди. Ў республика ҳукумати бошқариб турилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш борасида кўраётган тадбирлар тўғрисида халқ депутатларига ахборот берди; саволларга жавоб қайтарди.

Хабарни ахборот учун қабул қилган депутатлар бошқариб турилаётган бозор иқтисодиётига ўтишга доир концепцияни охиригача ишлаб чиқишни ва у тайёр бўлиши билан Олий Совет муҳокамасига тақдим этишни ҳукуматга топширдилар.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси депутат Х. М. Усмонова СССР Олий Советининг «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, онлани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳақида маъруза қилди.

Кундузги мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров очди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг маърузаси юзасидан бўлган мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари О. Ж. Маматова, Т. М. Тўлаганова, М. Холмуродова, А. А. Қаландаров, П. Ражабова, А. Б. Емельянов, З. Рўзматова, М. С. Ҳўжаев, Ш. М. Норбоева, С. Р. Сафарова, Б. Н. Белоусов, У. М. Аҳмаджонов, Х. М. Суюнатова, П. П. Мельников сўзга чиқдилар.

Олий Совет мазкур масала юзасидан тайёрланган қарор лойиҳасини асос учун қабул қилди. Комиссияга киритилган таклифларни умумлаштириш ва уни депутатлар тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М .И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзининг биринчи сессиясида «Ўмумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тўғрисида қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот берди.

Муҳокамада депутатлардан А. Носиров, В. Р. Ниёзматов, А. И. Захаров, Ғ. З. Заҳриддинов, С. Ш. Мирзаев қатнашдилар. СССР Олий Советининг Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети раисининг ўринбосари, СССР халқ депутати В. Н. Очиров ушбу масала юзасидан сўзга чиқди.

Депутатлар хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасини ёдга олдилар ва уларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди, М. М. Мирқосимов жумҳурият халқ назорати комитетининг раиси этиб сайланди.

Ҳукумат бошлиғининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши таркибига баъзи ўзгартишлар киритилди. Жумҳурият давлат ҳакам комитети раисининг ўринбосарлари ва коллегиясининг аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР олий суди раисининг биринчи ўринбосари тасдиқланди, жумҳурият Олий судининг баъзи аъзолари сайланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

* * *

20 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Сессия секретариатининг тушган саволлар, телеграммалар, мурожаатномалар тўғрисидаги ахборотни тингланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари навбатдаги масалаларни кўриб чиқишга ўтадилар. Ўзбекистон ССР баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг аъзолари сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг суверенитети тўғрисида декларация қабул қилинди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссияси раиси депутат Э. Х. Халиловнинг Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, шунингдек савдода суиистеъмоллар ҳамда чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари К. Баҳриев, З. Нуриддинов, П. И. Сандазимов, Ю. Нишонов, З. Иброҳимова, А. Ҳ. Тожиев, З. Т. Тўлаев, Т. Баркашев, А. А. Юсупов, Т. Ш. Ширинқулов ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Президентини таъминлаш, унга хизмат қилиш ва уни муҳофаза этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза этиш давлат комитетининг ҳуқуқий мақомини ўзгартиришга доир қарор қабул қилинди — унга бошқарувнинг идоралар юқори турувчи органи ваколатлари берилди ва энди у бевосита Ўзбекистон ССР Олий Советига бўйсунади.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССРнинг Конституцион комиссиясини тузадилар.

Қозоғистон ССР Олий Советининг Ўрта Осиё жумҳуриятлари парламентлари ва ҳукуматларига мурожаати юзасидан қарор қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга қайтдилар. Қонун лойиҳаси янги мулоҳазалар ва қўшимчалар тушганлиги муносабати билан биринчи муҳокамада қабул қилинди ва у доимий комиссияга узил-кесил ишлаб чиқиш учун юборилди, ушбу қонун лойиҳаси келаси сессияда тасдиқланадиган бўлди.

Халқ депутатлари Ўзбекистон ССРда Ер тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Халқ сўзи» рўзномасини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Олий Советининг СССР Президенти М. С. Горбачевга ва СССР Олий Советига мурожаатномаси қабул қилинди. Унда СССР Олий Совети Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг граждан мнинстрликлари ва идоралари таркибига кирадиган ҳарбий қурилиш бўлинмаларини тарқатиб юбориш ҳақидаги қарори маъқулланади. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари мамлакат Президенти ва парламентини ушбу қарор амалга оширилишини тезлаштиришга чақирдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарорни тасдиқладилар.

Сессияда Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи теваригидаги районларда экология муҳитини яхшилаш юзасидан Тожикистон ССР Олий Советига мурожаатнома қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларининг номини доимий комитетларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилади.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди.



◎ ДЎППИ БИЧИШ УСТАСИ. Й. Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг пешқадам ишчиси Ҳожиакбар Пўлатовни ана шундай деб таърифлашади. Т. Каримов сурати.

КПСС XXVIII съезди олдидан

МУСТАҚИЛЛИК АМАЛДА БЎЛСИН

Коммунист сўз сўрайди

ҲАМКАСБЛАРИМНИНГ даб-дурустдан кутилмаган саволларига дуч келдим: «Нима деб ўйлайсиз? — дейди коммунистларимиздан бири, — КПССда қандайдир ўзгариш, узилиш бўлаётгандек! Кечагина мақсадимиз ягона бўлиб кўрингандек эди, энди бир-биримизга қарама-қарши фикр юритамизми.

Йўқ, унга Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорларини дастур қилиб кўрсатаман. Назаримда тушунгандек бўлади. Съездда қатнаша туриб, унда асосий мавзу бўлган кадрлар масаласидан таъсирландим. Бу масалани ҳал қилиш учун жумҳуриятимизга мустақиллик берилиши керак. Ўзбекистон ўз кадрларини фақат ўзи ҳал қилмоғи лозим. Бизда эса қандай? Бирор кадримизни тасдиқлатиб олиш учун Москвага юборамиз. Марказ рухсат берса, уларга ёқсагина ўтади. Бизнинг режаларимиз, миллий хусусиятларимиз бўлса ҳисобга олинмайди. Ҳамма нарсани аввало кадрлар ҳал қилар экан, бу масалани ечиб беришни ҳам ўзимизга қўйиб беришлари зарур.

Кези келганда яна шуни таъкидлаб ўтишни лозим деб ўйлайман. Яъни биз делегатлар съездда уч кун қатнашиб, гўё уч кунлик ваколатга эга бўлдик холос. Марказий Комитетимиз раҳбариятини эса беш йилга сайладик. Шундай экан келгусида Марказий Комитет ҳисоботини ҳам биз эшитишимиз лозим. Бу билан мен беш йилдан кейин яна бизни делегат этиб сайлашсин демоқчи эмасман. Лекин икки ярим йилдан кейин конференция чақириб, унда ҳисоботни эшитишимиз мақсадга мувофиқ бўларди.

Съездда КПСС Устави бўйича муҳокамада бошланғич партия ташкилотига қолдириладиган 50 фоиз маблағни район партия комитети ҳисобига ўтказиш керак дейилади. Бунга масалан мен қўшилмайман. Бу энди ўзини ўзи тикламоқчи бўлаётган партия ташкилотидан бадалнинг бу қисмини райкомларга ўтказиш, тортиб олиш билан баробар-ку! Унинг устига ҳисобот-йиғилишларимизда, мулоқотларимизда бу ҳақда коммунистлар ўз фикрларини айтган эдилар, яъни уларнинг аксарияти, бошлангич партия ташкилотининг кучини маълум миқдордаги аъзолик бадаллари ёрдамида тиклаб олишни таъкидлашган. Бошланғич ташкилотлар қуч-қудратини оширишгина коммунистлар ишончини тиклаш ёки район партия комитетлари ишини кўрсатган бўлади-ку! Хуллас, ўйлаб қаралса, пишитилиши керак бўлган бундай масалалар ҳали кўп экан. КПССнинг XXVIII съезди бу масалаларни ечиб беролса ажаб эмас...

А. АЛЛАНУРОВ,

2-вагон депоси партия ташкилоти котиби, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг делегати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ СЕССИЯСИ

Илгари хабар қилинганидек, 15—16 июнь кунлари XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар Советининг раиси **А. И. Фозилбеков** очди.

Депутатлар сессиянинг иш тартиби ва кун тартибини муҳокама қилганларидан ва тасдиқлаганларидан кейин, мандат комиссиясининг раиси, депутат **В. А. Шалупов** маърузасини тингладилар ва шу йилнинг 15 апрель куни такрорий сайловларда сайланган, шу йилнинг 22 апрель куни такрорий овоз бериш ва 91-сайлов округи бўйича шу йилнинг 3 июнь куни такрорий овоз бериш чоғида сайланган Тошкент шаҳар Совети депутатларининг ваколатини тан олди. Шу йилнинг 3 июнь куни 19-сайлов округи бўйича овоз беришда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 50 фоиздан камроғи қатнашган эди. У ерда Тошкент шаҳар Советининг депутатини сайлаш вазифаси турибди. Шу йилнинг 18 февраль куни сайланган Тошкент шаҳар Советининг икки депутати ваколати ҳам тан олинди.

Сессия Тошкент шаҳридан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва шаҳар Совети депутатларининг сайлов округларида, меҳнат жамоаларида, жамоат ташкилотларида депутатлик ваколатларини амалга ошириш юзасидан фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари этиб шаҳар халқ назорати комитетининг раиси **Ф. Н. Нажмитдинов**ни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қ. М. Рафиқов Акмал Икромов район партия комитети биринчи котиби этиб сайланганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети президиумининг аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Тошкент шаҳар Совети депутати ваколатларини муддатидан илгари топширган **К. Р. Расулов** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ва президиум аъзоси этиб тасдиқланди.

Ҳ. Ё. Охунжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилинди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи лавозимига **М. З. Зуфаров** тасдиқланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси бошлиғи лавозимига эса **О. Р. Карапетов** тасдиқланди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан сессия А. А. Аҳмаджоновни ана шу лавозимдан озод этди.

Сессия Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бошқармаси бошлиғи лавозимига **Б. И. Тоҳиров**ни тасдиқлаб Н. К. Мусаевни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ана шу вазифадан озод қилди.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи этиб **Х. С. Маҳкамов** тасдиқланди.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитетининг раиси этиб **Ш. М. Усмонов** тайинланди.

Сессия шундан сўнг президиум, Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари ва ишчи гуруҳлари таклиф этган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иш регламентини ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлади.

Шаҳар Советининг депутатлари 1990 йил 18 февралда Тошкентда маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик чоғида XXI чақириқ Тошкент шаҳар Совети депутатларидан тушган сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича тадбирлар режасини диққат-эътибор ва қизиқиш билан муҳокама қилдилар.

Наказларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг умумий сони ва уларни бажариш учун қабул қилиш ёки рад этиш ўринлими-йўқлиги асосларини кўриб чиқиш гуруҳининг иши ҳақида депутат Д. Ғ. Ғуломова ахборот берди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов ҳам сўзга чиқиб, тўпланганларнинг эътиборини шу нарсага қаратдики, барча қабул қилинган наказларни (улар сони 532 та) бажариш учун 450 миллион сўм керак бўлади. Табиийки, бу шаҳар бюджети учун катта маблағдир. Шунинг учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси йирик корхоналар, ташкилотлар раҳбарларини шаҳарга ёрдам беришга чақирди. Бу ёрдам шулардан иборат: шаҳар бюджетига ажратмалар кўпайтирилади, ўз ижтимоий-иқтисодий соҳаларини мустаҳкамлайди, ўз меҳнатчиларининг маиший муаммоларини ҳал этади.

Сўнгра 18 февралдаги сайловларга тайёргарлик даврида сайловчилардан тушган наказларни бажариш бўйича тадбирлар режасининг лойиҳаси муҳокамаси бошланди.

Депутат В. М. Зимин сайловчиларнинг наказлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича бир неча таклифлар билдирди. Жумладан у шуни айтдики, 18 февралдан кейин, такрорий сайловларни ўтказиш мобайнида тушган наказлар бўйича тадбирлар режасини шакллантириш чоғида, шаҳар Советининг президиуми аппарати ва ишчи гуруҳларининг ходимлари депутатларнинг ўзлари билан олдиндан суҳбатлашишлари лозим. Бундай биргаликдаги таҳлил тайёргарлик босқичидаёқ кўпгина камчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНЛАР

Ушбу биринчиликнинг футбол тарихига кутилмаган натижалар биринчилиги бўлиб кириши аниқ бўлиб қолди. Чунончи, у бу борада шу каби ўйинларга бой бўлган 1966 йилда Англияда ўтказилган турнирни аллақачон ярим йўлда қолдириб кетди. Икки қарра жаҳон чемпиони ГФР ва Колумбия ўртасидаги беллашув ҳам ҳеч ким кутмаган натижа билан тугади. Бундан олдинги икки рақибини йирик ҳисобда енгган ГФР командаси гўё яхши созланган соат механизмини эслатарди. Ушбу «соат»нинг маромини ўтган ўйинда икки огоҳлантириш олган ва ушбу ўйинда иштирок этмаган Бреме бузди. Вақт ўтиб борар, голдан эса дарак йўқ эди. Кўпчилик ўйин ҳисоб очилмасдан тугайди деб ўйларди. Ниҳоят, охирги дақиқада ўзининг учинчи биринчилигини ўтказаётган ГФР командасининг кекса ўйинчиларидан Литобарски кучли зарба билан колумбияликлар дарвозасини ишғол этди. Бироқ, ҳакамнинг ҳисобига кўра учрашув 92 дақиқа давом этди. Ва охирги сонияларда Ринкон зўр маҳорат кўрсатиб тўпни дарвозабоннинг оёқлари орасидан ўтказиб жуда чиройли гол урди. Мана, охиригача курашишнинг натижаси. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Кейинги рақиблар — Югославия ва Бирлашган Араб Амирликларининг кучлари тенг эмасди. Қизиқарли ва сермаҳсул беллашув 4:1 ҳисобида югославияликлар ғалабаси билан тугади.

Энди 4-гуруҳдаги якуний вазият билан танишинг:

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. ГФР	3	2	1	0	10—3	5
2. Югославия	3	2	0	1	6—5	4
3. Колумбия	3	1	1	1	3—2	3
4. БАА	3	0	0	3	2—11	0

Гуруҳда учинчи ўринни олган колумбияликларда биринчи маротаба нимчорак финалга чиқиш имкони туғилди.

Италия — Чехословакия учрашувини ҳам ишқибозлар катта қизиқиш билан кутардилар. Чунки бир неча йилдан бери италияликлар рақибларини енга олмаётган эдилар. Иккинчи томондан ЧСФР футболчилари ҳам ушбу биринчиликда жуда чиройли ва сермаҳсул ўйин кўрсатаётгандилар. Беллашувнинг 9-дақиқасида Скиллачи биринчи тўпни киритди. Ҳакамларнинг ўйинни яхши бошқара олмаётгани кўп гапиришларга сабаб бўлди. Ушбу ўйинда ҳам бош ҳакам Киньо чех футболчиларининг жуда чиройли голини ўйиндан ташқари ҳолатда киритилди деб ҳисобламади. Оқибатда италияликларнинг энг «қимматбаҳо» ўйинчиси Бажо 78-дақиқада иккинчи тўпни киритди. Ва учрашув 2:0 ҳисобида тугади.

Сўнг майдонга Австрия — АҚШ командалари тушди. Огриз ва Родакскларнинг аниқ зарбаларидан сўнг австрияликлар 2:1 ҳисобида зафар қучишди.

Энди биринчи гуруҳдаги якуний вазият билан танишинг:

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. Италия	3	3	0	0	4—0	6
2. Чехословакия	3	2	0	1	6—3	4
3. Австрия	3	1	0	2	2—3	2
4. АҚШ	3	0	0	3	2—8	0

Кеча Бразилия — Шотландия ва Коста-Рика — Швеция беллашувлари бўлиб ўтди. Коста-Рика — Швеция ўйинида гарчи биринчи бўлимда Экстрёмнинг тўпидан сўнг шведлар 1:0 ҳисобида олдинда бўлсалар ҳам охир-оқибатда 2:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Мана, яна бир кутилмаган натижа.

Бразилия — Шотландия учрашуви эса Жанубий Америка футболчиларининг ҳужумларида ўтди. Аммо дарвоза фақат 81-дақиқадагина Ромарио ўрнига майдонга тушган Мюллер томонидан забт этилди: 1—0. Ўйин худди шу ҳисоб билан тугади.

Д. ИСРОИЛОВ.

АХБОРОТ

Тошкент шаҳар прокуратурасидан хабар қилишларича, бир гуруҳ шахслар йиғинлар, митинглар, бошқа юришлар ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги қонунни бузганлиги муносабати билан, шу йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон проспектида рухсат берилмаган тадбирни ўтказишда иштирок этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг рухсат берилмаган тадбирда такрор иштирок этганлиги учун М. А. Одиловга Фрунзе район халқ суди томонидан 1000 сўм жарима солинди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Бундай камчиликлар борлиги ҳақида эса ана шу масала бўйича музокарада сўзга чиққан деярли барча депутатлар гапирдилар. Депутатлар сессия материалларини мажлис арафасида ёки бошланишидан олдинроқ олган бўлишларига қарамай улар тадбирлар режасини кўриб чиқишга улгурдилар, албатта. Ҳатто мана шундай тезкор танишув чоғида ҳам кўпгина депутатлар «ўз» наказларини топа олмадилар. Зотан, бундай наказлар рад этилганлари орасида ҳам, келгусига мўлжалланганлари орасида ҳам йўқ эди. Режадан бутун-бутун округлар, бир қатор йўналишлар бўйича, ҳатто бутун-бутун районлар ҳам «тушиб» қолди. Бу ҳақда депутатлар С. С. Сандназаров, Т. Б. Дўстбобоев, А. М. Хўжаев, Г. Д. Ғуломова, Ю. И. Болотин, Ш. Темуров, А. И. Исломов, Ш. А. Исматуллаев, А. Е. Клепиковская ва бошқа кўпгина депутатлар гапирдилар. Улар аниқ мисоллар, жойларнинг номларини келтирдилар, бу наказларни бажариш шарт эканлигини асослаб бердилар.

Бундан ташқари депутатлар ўз ҳамкасблари Ш. Т. Файзиевнинг барча наказларни синчиклаб кўриб чиқиш ва уларни қўшимча рўйхатга олиш, амалга ошириш учун керак бўладиган маблағларни тўла таҳлил этиш ва ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Бу масала узоқ ва қизғин муҳокамалардан сўнг, унинг муҳокамасида депутатлар В. Ф. Волкодавов, М. М. Муродов, А. С. Маҳмудов, Э. Эгамбердиев, С. Н. Сирожитдинов, Ҳ. А. Асомов, Ғ. Т. Ҳошимов, Н. Ҳасанов, М. М. Содиқов қатнашдилар, иккита таклиф овозга қўйилди: ушбу режани фақат унинг биринчи қисми деб ҳисобланган ва шу асосда у овозга қўйилсин, қўшимча рўйхат эса наказларни бажариш режасининг иккинчи қисмини ташкил этади ёки таклиф этилган тадбирлар режасини умуман тасдиқламаслик ва қайта ишлангандан кейин уни шаҳар Советининг учинчи сессияда қабул қилиш. Жуда кўпчилик депутатлар биринчи таклиф учун овоз беришди. Бунда улар шу нарсани ҳисобга олишдики, агар бу режа тасдиқланмаса, сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича ишлар келгуси сессиягача яна икки-уч ойга сурилади, вақт эса қутиб турмайди. Ахир, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиладиган вақт жуда ҳам узоқ эмаскку.

Сўнгра сессия Тошкент шаҳар Советининг 1990 йил иш режасини қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 140-моддаси ва Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 4-моддасига мувофиқ ва ана шу комиссияларнинг таклифларига кўра сессия Тошкент шаҳар Совети доимий комиссияларн номланишига қисман ўзгартишлар киритди. Масалан, план-бюджет комиссиясини план ва бюджетмолия комиссияси деб, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза этиш комиссиясини қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссияси деб, халқ таълими ва ёшлар, миллатлараро муносабатлар, байналмилал тарбия ва тиллар комиссиясини миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия комиссияси деб, саноат, кенг истеъмол моллари, хизмат кўрсатиш ва савдони ривожлантириш ва улар фаолияти муаммолари комиссиясини саноат, кенг истеъмол моллари, деҳқончилик саноати комплекси, хизмат кўрсатиш ва савдо комиссияси деб, транспорт ва алоқа комиссиясини транспорт, алоқа, шаҳар хўжалиги ва ахборот комиссияси деб, фан, маданият, санъат, адабиёт, тарихий меросни муҳофаза этиш комиссиясини фан, маданият, маориф, ахборот, ошкоралик ва ташқи алоқалар комиссияси деб, қурилиш, меъморлик ва шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини таъмирлаш комиссиясини қурилиш ва меъморлик комиссияси деб, турар жой, коммунал ва энергетика хўжалиги комиссиясини турар жой, коммунал хўжалиги ва ёқилғи-энергия таъминоти комиссияси деб, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш комиссиясини экология, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш комиссияси деб, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар ўртасида ишлаш масалалари комиссияси соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, оила хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш комиссияси деб, маҳалла ва уй комитетлари, уруш, меҳнат кексалари, шунингдек бошқа жамоатчи-ҳаваскорлик ташкилотлари ишлари бўйича комиссияси маҳалла, уй комитетлари фаолияти, уруш ва меҳнат кексалари ишлари бўйича комиссия деб қайта номлашга қарор қилинди. Шунингдек янги комиссия — ёшлар ишлари бўйича комиссия ташкил этилди.

Шунингдек янги ташкил этилган ва биринчи сессияда раислари сайланмаган доимий комиссияларнинг раисларини сайлаш тўғрисидаги масала ҳал этилди.

К. Р. Расулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан 249-сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби **Ҳ. М. Абдураимов** миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари бўйича доимий комиссия раиси этиб сайланди.

Шунингдек, қуйидагилар раис этиб сайландилар:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича доимий комиссияга — 96-сайлов округидан депутат, республика болалар руҳий-асаб касалхонасининг бош врачи **И. А. Савельева**; ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияга — 135-сайлов округидан депутат, Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг котиби **Ф. М. Насимов**.

Сессия янги сайланган доимий комиссияларнинг раисларини Тошкент шаҳар Совети президиуми таркибига қўшди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тузилиши ва аппарат штатлари тасдиқланди. Кун тартибидаги бу масалани муҳокама этиш чоғида «аппарат» атамаси ўрнига «Тошкент шаҳар Совети президиумининг секретариати» деб аташ таклиф этилди.

Бундан ташқари, сўзга чиққан депутатлар М. З. Рябчун, Н. М. Мирқурбонов, С. Н. Нехорошев бир неча таклифлар киритишди. Масалан, келгуси йилга харажатлар сметасини тузиш чоғида ҳар бир доимий комиссияда лоақал бир нафар озод этилган аъзо, масалан, котиб меҳнати учун харажат моддасини албатта кўриб чиқиш лозим. Чунки ишдан бўш вақтларда бу вазифани сифатли бажариш жуда мураккаб. Шунингдек депутатларнинг фикрига қараганда, шаҳар Совети қошида лоақал уч нафар мутахассис — юрист, социолог ва иқтисодчидан иборат эксперт бўлими тузиш лозим. Бу эса депутатларга уларнинг ишларида ёрдам берган бўлур эди. Ана шу мақсадларда справкалар бўлими — депутатлар учун ўзига хос кутубхона ҳам зарур. Бу ерда улар барча керакли адабиётларни олишлари, у билан танишишлари мумкин. Келгусида эса ўз маълумотлар банки бўлса ёмон бўлмас эди. У ерга барча таклиф этилган фикрлар, тавсиялар, лойиҳалар ҳақидаги ҳамма ахборот келиб тушарди. Тўғри, ҳозир буни амалга ошириш қийин, аммо келгусида эса мумкин. Ҳозирданоқ Тошкент шаҳар Совети қошида махсус социологик хизматни ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўрмоқ керак.

Сессия Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қ. М. Рафиқов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан комиссия раиси вазифасидан озод қилинди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими бошлиғининг ўринбосари С. А. Совков ҳам балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди. Комиссия раиси этиб Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **К. Р. Расулов**, комиссия раисининг ўринбосари этиб Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари **У. А. Абдуғаниев**, комиссия аъзолари этиб шаҳар гиёҳвандлик диспансерининг бош врачи **Д. Х. Абдалиева**, Тошкент область касаба уюшмалари кенгашининг котиби **Э. И. Брудов**, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг ўринбосари **Р. Р. Юсупов** тасдиқландилар.

Сессияда шунингдек, Бектемир райони сайлов округларининг номерлари ўзгартирилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 28 февралдаги депутатлар ваколатлари ва Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг баъзи район ва шаҳар Советларидаги миқдор таркиби (Бектемир район сайлов округлари) тўғрисидаги қарорига мувофиқ тарзда 37, 38, 39-сайлов округларидан халқ депутатлари Тошкент область Советига сайланган депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари ҳисобланадилар. Сайлов округларининг номерларини тартибга солиш мақсадида Бектемир районидаги 37, 38, 39-сайлов округларини 251, 252, 253- деб қайта номлашга қарор қилади.

Сўнгра халқ судьялари ва Тошкент район халқ судлари раислари лавозимига номзодларни муҳокама этиш бошланди. Бу масала юзасидан қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси депутат Б. Э. Қосимов ахборот берди.

Ҳаётимизда суд органларининг ўрни ва аҳамияти катта, деди Б. Э. Қосимов, бу тушунарлидир. Негаки улар инсон тақдирини давлат номидан ҳал этади. Суд органлари ҳуқуқий давлат шаклланиши муносабати билан тобора муҳим бўлиб боряпти. Ҳуқуқий давлат асосида иккита принцип ётади: қонуннинг шакшубҳасиз етакчилик қилиши ва ҳокимиятнинг қонунчилик, ижрочилик ва судловга бўлиниши. Ҳозир шаҳарнинг 11 районида учинчи ҳокимият шаклланиши лозим. Улар ҳамманинг ва ҳар бир кишининг қонунга риоя қилишини таъминлаши лозим.

Судьяларнинг роли тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча, улар — қонунчиликка риоя этишда муҳим кишилардир. Бир томондан, биронта ҳам қонунбузарнинг жавобгарликдан қочиб қутулолмаслиги устидан назорат қилса, иккинчи томондан қонун бузилишларидан азият чекаётган кишиларни ҳимоя қилишга мажбурдирлар. Мамлакатда ҳозир туб суд-ҳуқуқий ислоҳот олиб борилмоқда. Суд тузилиши ва халқ судьялари мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Судлов корпусини шакллантиришга ёндошишнинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. СССР Конституциясининг 152-моддасига мувофиқ судьялар халқ депутатларининг юқори Советлари томонидан 10 йилга сайланадиган бўлдилар. Яъни бизнинг шаҳар Советимиз район халқ судьялари раисларини ва район халқ судьяларини сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессиясида судьяларни сайлашни иккинчи сессиягача қолдиришга қарор қилинди. Барча номзодлар қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича комиссияларда олдиндан муҳокама этилди. Судьяликка номзодлар эса Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг адлия бўлими, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон ССР адлия нозирлиги ва республика Олий суди томонидан тавсия этилдилар. Бунда даъвогарлар ишлаётган меҳнат жамоалари фикри ҳисобга олинди. Уларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳар суди ҳузуридаги малакали коллегияга имтиҳон топширдилар. Ўзбекистон ССР адлия нозирлиги ва Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан судьялари қилиб сайланишга ва Тошкент район халқ судларининг раислари этиб тасдиқланишга тавсия этилдилар.

Шу масалани муҳокама қилишда бизнинг комиссиямизнинг ҳуқуқий ваколатларига даҳлдор бўлган фикрлар пайдо бўлди, дейди Б. Э. Қосимов. Қонунда халқ судьялигига номзодларни қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича доимий комиссия мажлисларида муҳокама қилиш мумкинми ёки йўқлиги ҳақида очиқдан-очиқ кўрсатма йўқ. Шу муносабат билан қуйидагиларни айтиб ўтиш керак. Биринчидан, шаҳар Совети муфассал таҳлил этмасдан туриб халқ судьялигига номзодларни тасдиқлаши мумкинми? Кўзни чирт юмиб Ўзбекистон ССР адлия нозирлиги ва Олий суднинг ҳамиша ҳам тўғри келавермайдиган қарорлари билан келишаверайликми? Иккинчидан, доимий комиссиямиз аъзолари малакали коллегия қарорларини рад этганлари йўқ. Ҳолбуки бизнинг орамизда олимлар, мутахассислар, адлия соҳасида тажрибали кишилар бор. Биз даъвогарларни ўрганишга, уларнинг сиёсий-ишчанлик ва малака сифатлари билан танишишга асосий эътиборни қаратдик, уларнинг маданий, интеллектуал ва умумтаълим савиялари билан қизиқдик. Ана шу барча мажлисларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг адлия бўлими, Ўзбекистон ССР адлия нозирлиги ва Ўзбекистон ССР Олий судининг раҳбарлари иштирок этдилар. Комиссия томонидан қабул қилинган биронта ҳам қарор юзасидан улардан ҳеч қандай эътироз ва мулоҳазалар тушмади. Уч ой ичида бизнинг комиссиямиз 71 та номзодни муҳокама қилди ва 62 та халқ судьясини, шу жумладан 7 та район халқ суди раисини сайловга тавсия қилишга қарор қилди.

Комиссия умуман шу масала юзасидан ўз фикрини депутатларга етказишни зарур деб топди. Барча тавсия этилган ва сайланган номзодлар олий адлия маълумотига эга. Фақат улардан 8 нафарини (12 фоизи) кундузги бўлимни битирган, холос. Бундан ташқари комиссия аъзолари жуда кўплаб даъвогарларга жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни бўш таҳлил этиш, назарий ва малака тайёргарлигидаги камчиликлар, ишдаги нуқсонлар ва бошқа камчиликларга йўл қўйганликларини таъкидладилар. Бошқача қилиб айтганда, судьялар корпуси сифат таркибини янада яхшилаш керак, аммо бундай судьялар номзодини муҳокама қилиш биринчи марта ўтказилмоқда. Комиссия уларни Тошкент шаҳар Совети сессияси томонидан халқ судьялари қилиб сайлашга тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Комиссия қуйидагиларни сайлашни тавсия этмайди: бир номзодни — район халқ суди раиси лавозимига ва сакқиз кишини халқ судьялиги лавозимига. Комиссиянинг фикрича, уларнинг малака тайёргарлиги ўта бўш. Комиссия шундай хулосага келдики, бунинг сабабларидан бири ТошДУнинг юридик факультетида ўқитиш жараёнининг ўзидаёқ суд ходимларини ихтисослашган тарзда тайёрлаш системасининг ўзи йўқлигидадир. Бундан ташқари, резерв билан ишлаш қониқарсиз олиб борилмоқда. Халқ судьяларининг стажёрлик институти йўқ. Халқ судларида кадрларни тайёрлашнинг доимий ишловчи системаси йўқ. Ўзбекистон ССР адлия нозирлигининг, республика малака ошириш курслари самараси камдир. Тошкент шаҳар судининг малака коллегияси талабчанликни пасайтириб юборган.

Шу муносабат билан қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича доимий комиссия Ўзбекистон ССР Олий судига, Ўзбекистон ССР адлия нозирлигига ва Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим нозирлигига тегишли тақдимнома беришни мақсадга мувофиқ деб топди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети адлия бўлимининг эътибори кадрларни танлаш, ўқитиш ва лавозимга қўйиш, яъни Тошкент район халқ судлари фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар қониқарсизлигига қаратилиши, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг адлия бошқармаси бошлиғи лавозими бўш турибди, унга малакали кишини тайинлашни тезлаштириш даркор.

Депутатлар халқ судьялари номзодларини муҳокама қилиш чоғида комиссиянинг фикр, мулоҳаза ва таклифларини кўп жиҳатдан ҳисобга олдилар, Уларни қўллаб-қувватладилар. Бироқ айрим номзодларни муҳокама қилиш жараёнида депутатлар янги жиҳатларни аниқладилар, шунинг учун халқ судьялигига бир қатор номзодлар доимий комиссия томонидан тавсия этилмади, бироқ шундай бўлса ҳам улар Тошкент шаҳар Совети кўпчилик депутатларининг овозини олиб тасдиқланди.

Сессия Тошкент шаҳар прокурори **А. М. Солиҳов**нинг қонунчилик ва жамоат тартибининг аҳволи, социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга доир тадбирлар тўғрисидаги ахборотини зўр диққат билан тинглади.

Шаҳар прокурорининг таъкидлашига қараганда, бундай ахборот Тошкент шаҳар Совети сессиясида кўп йиллардан бери биринчи марта тингланаяпти, ваҳоланки, депутатлар шаҳарда рўй бераётган барча ишларнинг аҳволидан, шу жумладан, оператив вазиятдан муфассал хабардор бўлишлари лозим.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият иқтисодиётда салбий ҳолатларнинг, ижтимоий кескинликнинг кучайиб бориши, мураккаб экологик аҳвол, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашиши, жиноятчиликнинг ўсиши билан характерланади. Қонунларга қатъиян ва беками-кўст риоя қилиш тақозо этилмоқда. Депутатлар бу борада кўп ишларни бажаришга қодир ва шу ишларни бажаришлари лозим.

Иқтисодиёт соҳасидаги аҳвол мураккаблигича қолаяпти, бу белгиланаётган бозор муносабатларига ўтиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун бюджет маблағлари етишмаётган бир шароитда аниқса, ташвишлантиради.

Хўжасизлик, талон-тарож, социалистик мулк бутлигининг таъминланмаётганлиги давлатга катта зарар етказаяпти. 1989 йилда 1 миллион 84 минг сўмлик камомадлар, ўғирликлар ва моддий бойликларнинг бузилишлари аниқланди. Фақат савдо системасидагина кўрилган зарар 708 минг сўмни ташкил этди. Жиноий жавобгарликка тортилган корхона, ташкилот, муассаса ходимларининг ҳар тўрт нафаридан бири жиноятни содир этиш вақтида савдо соҳасида ишлар эди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш системасидаги зарар 131 минг сўмдан зиёдроқни ташкил этди. Саноатда бу кўрсаткич қарийб 190 минг сўмни ташкил этди. Агар ўтган йиллар мобайнида аниқланган зарар кўшиб ҳисобланадиган бўлса юпланмаган маблағ 5 миллион сўмдан ошиб кетади.

Бунга майда ўғирликлар туфайли етказилаётган зарарни ҳам кўшиш керак. Майда ўғирликлар кўпгина корхоналарда давом этмоқда. Ҳуқуқ бузилишларининг ана шу кўриниши «Ўртоқ» фабрикасида, «Тошхладокомбинат»да, мева-сабзавот комбинатларида, тамаки фабрикасида, нон заводларида, сут комбинатида ва Енгил саноат нозирлиги системасидаги корхоналарда чуқур илдиз отган. Фақат идоралардан ташқари қоровуллик хизмати ходимларининг ўзигина ўтган йили 3 мингдан зиёд кишини қўлга туширишди. Яна қанчадан-қанча майда ўғирликлар очилмай қолиб кетди.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида етказилаётган зарар камаймаяпти. Ўтган йили шаҳар корхоналари ишлаб чиқарган 33 миллион сўмлик маҳсулот бракка чиқарилди. Бундай нуқсон «Фотон», «Миконд», «Тошкент трактор заводи», «Тошкент тўқимачилик машинасозлиги» бирлашмаларида, шунингдек озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати системасида кенг ёйилган. Фақат савдо тармоқларининг ўзидан 360 минг сўмликдан зиёд турли моллар қайтарилди. Асосан бу «Қизил тонг» ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, кўн-мўйна заводининг маҳсулотларидир. «Ташавтоматика», «Ташхимсельмаш», грампластинкалар заводларида, 2-пойафзал бирлашмасида, сут комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати билан боғлиқ кўнгилсиз аҳвол вужудга келган. Бир вақтлар шов-шувларга сабаб бўлган давлат қабул комиссиялари, техника назорати бўлимлари қаерда қолди?

Қимматбаҳо машиналарни, механизмларни, ускуналарни сотиб олиш учун талайгина маблағлар сарфланди. Аммо улар ўз вақтида ўрнатилиб, ишга туширилгани йўқ, «ўлик юк» бўлиб ётибди. Шаҳар корхоналарида, ташкилотлари ва муассасаларида жами қиймати 105 миллион сўмликдан зиёдроқ бўлган 31 мингтадан кўп ўрнатилмаган жиҳозлар йиғилиб қолди. Валютага сотиб олинган, аммо ўрнатилмаган ускуналар сони кўпайди. Уларнинг жами қиймати 35 миллион сўмликдан зиёдроқни ташкил этади.

Қўшиб ёзиш, давлат ҳисоботидаги бошқа кўзбўямачиликлар ҳамон кенг ёйилган. Биргина статистика бошқармалари, саноат-қурилиш ва уй-жой-ижтимоий банкларнинг муассасалари томонидан ўтказилган текширишлар натижасидагина иш ҳажмларининг 1 миллион сўмликдан зиёдроққа ошириб кўрсатилганлиги аниқланди.

Кўпгина нуқсонларнинг асосий сабаблари шундаки, муайян мустақиллик берилганлиги муносабати билан кўпгина раҳбарларда, меҳнат жамоаларида ва меҳнат жамоалари кенгашларида ҳамма нарсага рухсат берилди деган тушунча, мавжуд қонунларни менсимасликнинг кўриниши намоён бўлмоқда. Буни ҳуқуқий хизматларнинг роли ва аҳамияти пасайиб кетаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Кўп ҳолларда уларни штатларни қисқартириш ва маблағларни иқтисод қилиш баҳонаси билан тугатиб юборишяпти.

Амалда бу мавжуд қонунларнинг, меҳнат ҳақидаги қонунларнинг ялпи бузилишларига олиб келаяпти. Масалан, шаҳар бўйича ўзларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат этган кишиларнинг ҳар иккинчиси ишида қайта тикланаяпти. Ўтган йили шаҳар судлари 60 кишини ишида қайта тиклашди. Уларга айбдорларнинг эмас, давлат ҳисобидан 16.765 сўм тўланди. Прокурорларнинг раддиялари ва касаба уюшмаси комитетларининг кўрсатмалари билан ишда қайта тикланганлар ҳам талайгина. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларининг кўпол бузилиши натижасида 1989 йилда шаҳарда 53 киши ҳалок бўлди, қарийб 2 минг киши жароҳатланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши айниқса қурилиш ташкилотларида ва машинасозлик корхоналарида кенг ёйилган. Ана шу корхона ва ташкилотларда жароҳатланиш даражаси умуман халқ хўжалигидаги даражадан беш баравар кўп. «Ташэлектромаш» заводида эса 10 баравар кўп.

Иш вақтининг, шу жумладан узрсиз ишга чиқмаслик натижасида исроф бўлиши ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмоқда. Ўтган йили 168.241 кишининг бир кунлик иш вақти, шу жумладан ишга чиқмаслик натижасида 71.729 кишининг бир кунлик иш вақти йўқотилди. Иш вақтининг исроф қилиниши натижасида шаҳар саноат корхоналари 12 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотларни кам етказиб берди, 2,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди. Сабабсиз ишга чиқмаслик ҳоллари Октябрь инқилоби номли заводда, «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, экскаватор заводида, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 12-қурилиш трестида, «Узавтострой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармасида айниқса кўп.

Шаҳардаги ҳар беш корхонадан бири шартнома мажбуриятларини бузди, ҳамкасбларга ва шерикларга 45 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар етказиб берилмади.

Давлат объектларида чиққан ёнғинлар натижасида кўрилган зарар 2 миллион сўмни ташкил этди. Ана шу ёнғинларда 31 киши ҳалок бўлди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва шаҳар иқтисодиётини издан чиқараётган бошқа нуқсонларнинг бартараф этилиши, буни сезиш қийин эмас, халқ учун миллионлаб сўмларни тежаб қолиш, шаҳар ва район Советларининг бюджетини тўлдириш, Тошкентдаги маънавий муҳитни яхшилаш имконини берган бўларди.

Ахборотда экология масалаларининг кескинлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1983 йилда махсус қарор қабул қилган эдилар. Ана шу қарорга кўра қуюв цехларини марказлаштириш ва шаҳардан ташқарига чиқариш кўзда тутилганди. Аммо «ТашЭКС», Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмаларида қуюв цехларини кўчириш у ёқда турсин, улар таъмирланаяпти ва кенгайтирилаяпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ана шу қўпол қонун бузилишининг олдини олиш учун ўз ҳуқуқидан фойдалангани йўқ.

Бугунги кунда санитария ҳимояси ҳудудида истиқомат қилаётган қарийб 30 минг тошкентлик корхоналарнинг зарарли чиқиндилари таъсирига дуч келмоқда. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасига, Тошкент иссиқлик электр марказига, абразив комбинатига, фурнитура-пластмасса заводига ва бошқа корхоналарга туташ ҳудудлар шулар жумласидандир.

Сув ҳавзаларининг, айниқса Салор каналини ифлослантириш давом этяпти.

Автомобиль транспорти кўнгилсиз вазиятни вужудга келтиряпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида йўлларда нормадагидан ортиқча заҳарли моддаларни чиқараётган 25 мингта автомашина аниқланди. Ана шундай машиналарни йўлга чиқарганлиги учун 310 нафар раҳбар, 5 мингдан зиёд ҳайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилди, аммо бу соҳадаги аҳвол амалда яхшиланаётгани йўқ.

Шаҳар прокурори шаҳарда муайян кескинликни вужудга келтираётган ижтимоий адолат принципларининг бузилиш фактлари хусусида тўхталди. Бундай ҳоллар уй-жойларни, таққис молларни тақсимлашда айниқса кўп учрайди. Прокурорлар ўтказган текшириш, масалан, автомобилларни сотиб олиш «ҳуқуқи»дан савдо ва кооператив ходимлари, раҳбарлар ва мансабдор шахслар кўпроқ фойдаланганлигини кўрсатди. Масалан, ўтган йили Октябрь районида 35 та автомашина савдо ходимларига, 10 та автомашина районга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахсларга ажратилган. Айни вақтда нафақадаги уруш кексалари ўзларига ажратилган машиналарни йиллаб олишолмаяпти.

Савдо қоидаларининг қўпол бузилиш ҳоллари — тарозидан уриб қолиш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, молларни яшириб қўйиш ижтимоий кескинликни кучайтирмоқда. Текширилган савдо корхоналарининг 80 фоизидан зиёдида ана шундай камчиликлар аниқланди. Ўтган йилнинг бошидан бери биргина савдо инспекцияси томонидан 1525 киши жавобгарликка тортилди. Тергов органлари томонидан мингдан зиёд иш қўзғатилди. Бу ишларни яна давом эттириш керак.

Кооператив фаолиятида кўпгина тартиб бузилишлари аниқланди. Улар нарх-навони белгилаш ҳақидаги қонунларни қўпол равишда бузишмоқда. Молия органлари ва кредит муассасалари томонидан назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб кооперативлар кўпинча давлат ва кооператив маблағларини ўзлаштириш, талон-тарож қилиш, суиистеъмол йўлига ўтишяпти. Кооперативларга Саноат-қурилиш банкининг бўлимлари томонидан 4,6 миллион сўм, Уй-жой-ижтимоий банкининг бўлимлари томонидан 45 миллион сўм берилди. Уларга қарийб 19 миллион сўм қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар берилган. Айни вақтда улар 28,3 миллион сўм қарз бўлиб қолишган. Кредит муассасаларимизнинг ана шундай «сахийлиги» туфайли айрим корхоналарнинг ишчиларига банкда пул йўқлиги сабабли ўз вақтида маош тўлаш имкони бўлгани йўқ.

Табиийки, жиноятчиликнинг юксак даражаси шаҳарликларни айниқса ташвишлантиради. Жиноятларнинг таҳлили 1989 йилда ва шу йилнинг беш ойи мобайнида жиноятларнинг кўпайиб бораётганлигини кўрсатади. Агар ўтган йили 23 мингдан зиёд жиноятлар қайд этилган бўлса, шу йилнинг беш ойи мобайнида қарийб 10 мингта жиноят қайд этилди. Ўзбекистонда содир бўлган барча жиноятларнинг учдан бир қисми Тошкент улушига тўғри келади. Ҳар икки қотилликдан бири, гражданлар шахсий мулкини ўғирлашнинг ҳар учдан бири Тошкентда содир бўлаяпти. Оғир жиноятлар — қотиллик, тан жароҳатларини етказиш, номусига тегиш, босқинчилик, йўлтўсарлик ва бошқа жиноятлар сони ярмига кўпайди. Автомашиналарни ўғирлаш ва олиб қочиш кўпайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш уйғотади. Жиноятлар кўпайиб бораяпти, афсуски, жиноятларни очиш кўпаяётгани йўқ. Ўтган йили 14 мингдан зиёд жиноят очилмай қолди, уларни содир этган шахслар эса аниқлангани йўқ. Шу йилнинг бошидан бери 4 мингдан зиёд жиноят очилгани йўқ.

Вужудга келган аҳволнинг асосий сабаблари, биринчи навбатда бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари раҳбарларининг, меҳнат жамоаларининг фаолиятидаги қатор жиддий нуқсонлар, ҳал этилмаган муаммолар, хатолар ва камчиликлар ортига яширинган, улар жиноятчиликка қарши бирдам бўлиб чиқолганлари йўқ. Советларнинг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссияларни, ижроия комитетларининг назорат, маъмурий, ички ишлар ва алкоголизмга қарши курош, ички ишлар ва алкоголизмга қарши курош, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича комиссияларини олайлик. Улар бажарши лозим бўлган, аммо бажармаган вазифаларини узоқ вақт санаш мумкин. Масалан, шу йилнинг беш ойи мобайнида маст ҳолдаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди. 1989 йилда кўчалардан ва жамоат жойларидан 18 минг киши ҳушёрхоналарга келтирилди. Маст ҳолда жамоат жойларида пайдо бўлганлиги учун 29 минг кишига жарима солинди. 4,5 минг киши маст ҳолда транспортни бошқарганлиги учун ушланди. Рақамлар ташвишлантиради, шунга қарамай, Советлар ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармаларининг ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш бўйича комиссияларни аралашмаслик, бетараф кузатувчи нуқтаи назарини эгаллаб туришибди.

Шундан сўнг ахборотда эътибор уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка, балоғатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига қаратилди.

Шаҳар прокурори ошкоралик ва жамиятни демократиялаш даврида жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларга, миллатлараро муносабатларга нифоқ солишга уринаётган айрим бузғунчилик кайфиятидаги шахсларнинг ҳаракатлари натижасида вужудга келаётган зиддиятларни бартараф этиш вазифалари ҳам қўшилганлигини таъкидлади. Рухсат берилмаган митинглар, юришлар ва намойишлар натижасида шаҳар ҳаётининг маромини бузилмоқда.

А. М. Солиҳов шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятидаги ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бўлган камчиликлар ва муаммолар ҳусусида тўхталди. Жумладан, қайта қуришнинг беш йили мобайнида Тошкентда шаҳар прокурорининг тўрт марта алмашгани, умуман кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги таъкидланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳали социалистик қонунчиликнинг бузилишларига барҳам берилгани йўқ. 1989 йилда ўтган йиллар мобайнида қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилган 23 киши оқланди.

Кўпгина камчиликлар, масалан, жиноятларни фош этишнинг паст даражаси оператив ходимлар ва терговчиларнинг касб жиҳатдан бўш тайёрланганлиги, айрим ходимларда топширилган иш жабҳаси учун етарли даражада масъулиятнинг йўқлиги, айбдорларни аниқлаш борасидаги ишларда ҳужумкорликнинг етишмаслиги, содир этилган ва тайёрланаётган жиноятлардан ўз вақтида хабар топилмаслиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг барча хизматлари ўртасида, шунингдек кўнгилли халқ дружиначилари ва жамоатчилик билан зарур ҳамкорликнинг йўқлиги билан изоҳланади.

Судларда ишларни кўриб чиқиш вақтида хатоларга йўл қўйилмоқда. Айримлар, айниқса ёш ва тажрибасиз судьялар иш юзасидан қарор чиқариш масъулиятидан қочишга ҳаракат қилишади, ишларни асоссиз равишда қўшимча терговга қайтаришади. 1989 йил ва шу йилнинг беш ойи мобайнида Тошкент шаҳар судининг судьялар коллегияси томонидан халқ судларининг қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги юздан зиёд қонунга хилоф қар

Одоб-ахлоқ

МУОМАЛА — инсон қалбининг кўзгуси. Ҳар бир кишининг яхши тарбия кўрган-кўрмаганлиги, одоб мактабини ўтаган-ўтамаганлиги унинг бошқалар билан муомаласида кўринади. Кимки болалигидан инсон зотига ҳурмат билан қарашга одатланган бўлса, унинг ҳар қандай вазиятда ҳам одамлар билан муомаласи яхши кечади. Шу ўринда яқинда рўй берган бир воқеани эсладим.

Борадиган манзилимга шошилиб тургандим. Троллейбус ҳадеганда келавермади. Шунда кетма-кет ғизиллаб ўтиб турган таксилардан бирига қўл кўтаргандим, ғийқ этиб тўхтади. Машина эшигини очиб, ичкаридаги ўриндиққа ўтириб улгурмасимданоқ таксичи йигит: «Ассалому алайкум! Байрамингиз муборак! Қаерга элтиб қўяй?», — деди самимият билан хушоҳангда. Сездим, ғалаба байрами эди ўшанда. Алик олиб, раҳмат айтиб, борар жойимни айтдиму, аммо юрагимда алланечук туйғулар жунбушга келди. Таксичи йигит бошқа ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ менга шунчаки бир йўловчи сифатида эмас, балки инсон сифатида мурожаат қилди ўша дамда. Самимий муомаладан кўнглим тоғдай кўтарилиб яйраб кетдики, асти қўяверасиз. Манзилимга етиб, одамшаванда таксичи билан юракдан хайр-хўшлашиб кетяпману, руҳимдан қалқиб чиққан ҳузурбахш туйғу яна аллақанча вақт вужудимни қамраб турди.

Халқимизнинг минг йиллар давомида таркиб топиб, асрдан-асрга сайқалланиб келаётган маънавиятлар заминида «Ўзингга раво кўрмаганни, ўзгага ҳам раво кўрма», «Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга» деган қадриятларда одамлар билан муомалада хушхулқ, хушқилиқ ва хушмуомала бўлишга даъват этилади.

Хўш, шарқона демакки, ўзбекона одоб-ахлоқда хушмуомалалик деганда нима тушунилади? Дастлавал ширинсўзлик, ширинсуханлик, ширинкаломлик тушунилади. Кўпни кўрган халқимиз ширин ва аччиқ сўз тилнинг ўзаро муомаладаги аҳамияти, қудрати, таъсири ҳақида ғоятда теран мулоҳаза юритиши туфайли қуйидаги ажойиб мақолалар вужудга келган: «Ширин сўз шакардан ширин», «Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил», «Аччиқ тил — заҳарли илон, чучук тилга жон қурбон», «Ширин ошинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин», «Яхши сўз қанд едирар, ёмон сўз панд едирар»... Бундай ҳикматга бой мақол ва маталларни кўплаб келтириш мумкин.

Хушмуомалалик ҳар кимдан ўзига рўпара келган одамларнинг қон-қариндошлиги ёки етти ёт бегоналигидан, шунингдек, қайси ирқ, қайси миллатга мансублигидан, ёши, жинси, мартабаси кабилардан қатъи назар, бирдек ширинсўзлик, хушчеҳралик ва хушқилиқлик билан киройи самимий ва холисона муомалада бўлишни талаб қилади.

Ширинсўзлик бировга мурожаат қилганда, гапни: «Марҳамат қилиб....», «Агар малол келмаса...» сингари иборалар билан бошлашни тақозо этади, бу билан мурожаат қилинаётган кишига ҳурмат кўрсатилади. Каттаю-кичикни сизлаб гапириш, қариялларга «Отахон...», дўст-биродарларга ёшига қараб «Аҳмад ака...», «Санобар опа...», «Аҳмаджон...», «Санобархон...», дея мурожаат қилиш ҳам ширинсуханлик, ҳам уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш бўлади.

Хушчеҳралик — бирор киши сизга илтимос, арз-дод билан мурожаат қилганда айни дамда авзонингиз, кайфиятингиз бузуқлигини, ташвишларингиз бошингиздан ошиб ётганини, вақтингиз ниҳоятда зиқлигини иложи борича сездирмай, дарҳол чеҳрангизни очиб, мурожаатчини илтифот билан тинглаб, керакли маслаҳат ё жавобни илиқлик, самимият билан изҳор эта билишдир. Мабодо, айни пайтда у билан гаплашишга мутлақо вақтингиз бўлмаса, у ҳолда узрингизни айтиб, қачон, қай вақтда келишни ё учрашиш мумкинлигини аниқ айтиб, мурожаатчининг кўнглини хотиржам қилиб юбориш лозим бўлади.

Қовоғи солиқ, сержарда, калондимоғ, манман одам билан мулоқот қилишдан ҳеч кимнинг дили хушнуд бўлмаган. Дағал, совуқ муомаладан кўнгли ранжиган киши унинг юзига шартта айтмаса ҳам, ичида «Ҳайф сенга одамийлик» деб кетиши турган гап. Ўз шаънини юксак тутадиган шахс учун хоҳ ошкора, хоҳ зимдан бундай баҳо олиши, бизнингча, ўлимдан ҳам оғир.

Надоматлар бўлсинким, замон зайли билан орамизда муомала борасида айирмачилик қиладиганлар ҳам бот-бот учраб туради. Айирмачи киши амали, унвони, билими, мол-дунёси жиҳатидан ўзидан анча баланд турган ёки ҳеч бўлмаса ўзи билан баробар бўлган шахсларга нисбатан ўта хушмуомала, серилтифот, сермулозамат бўлиб, қолганларни менсимайди, уларга нисбатан қўполлик, сурбетлик, ҳатто зўравонлик қилишдан ҳам тап тортмайди. Айирмачиларга муомала борасида ҳамма бир одам эканини ва бунга риоя қилмаган кимсанинг ўзи одам қаторидан чиқишини таъкидлаб, Махтумқулининг мана бу байти мағзини чақиб кўришни тавсия қиламиз:

Одам бўлиб одам қадрин
билмаган,
Кишилардан ўтлаб юрган
мол яхши.

Кундалик турмушда ҳурматга арзимайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Аммо, бундан, мазкур тоифадаги кимсаларнинг қадр-қимматини камситиш мумкин экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Башарти шундай қилинса, қадр-қиммати камситилган кимса бундай муносабат сабабини ўз қилмишидан эмас, балки шахсий адоватдан, гараздан кўрадики, натижада ўдагайлик, ёлтоқлик, ҳатто ёлғончилик йўлига ўтиши мумкин.

Баъзилар ширинсўзликни, очиқ чеҳра билан муомала қилишни тўғрилик ва самимийликка хилоф деб билишади. Лекин кўрслик, дағаллик ҳамиша ҳам тўғриликнинг кўриниши бўлмаганидек, хушмуомалалик ҳам ҳамма вақт тилёғламалик, хушомадгўйлик, лаганбардорликнинг аломати бўлавермайди. Ҳақиқий инсонпарварлик билан йўғрилган одоб, ҳатто чинакам айбдор киши билан муомала қилганда ҳам унинг иззат-нафсига тегмасдан, мазмунан зид бўлса-да, шаклан юмшоқ, мулойим муомала қилишни тақозо этади.

Хуллас, муомалада самимийлик, мулойимлик, табиийлик, одамшавандаликнинг аҳамиятига таъриф йўқ. Бирор сабабга кўра, ёшликдан одоб мактабини ўтай олмаган, хушмуомалаликка, ширинсўзликка, хушчеҳраликка, хушқилиқликка ўрганмаган киши ҳам, агар кўнглида одамийлик хислати бўлса, бу мушкулотни бемалол енгиб ўтиши мумкин. Зеро, ўз маънавиятининг тобора бойиб боришига, ўз хулқ-атворининг ҳамиша такомиллаша боришига интилмаган шахс Инсон деган улуғ номга нолойиқдир. Негаки, инсонийлик бир мартагина эришиладиган марра эмас, балки бетиним интилиш лозим бўлган узлуксиз жараёндир. Шунинг учун ҳам бобокалонимиз Мирзо Абдуқодир Бедил ҳаққоний равишда таъриф-тавсиф этган:

Минг марта тўлқинни
маҳв этар тўфон,
То бўлгунча дона,
бир дур намоён.
Одам умр бўйи ҳавас кетида
То одоб олиб, бўлгунча Инсон.

Содиқ АЛИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Инсон бўлсанг одам қадрин бил

ИСТЕЪДОДЛИ қаламкаш дўстларимиздан Исомиддиннинг машаққатли меҳнатлари натижасида дунё юзини кўрган мақолалари ўқувчилар қалбидан жой олиб, эл назарига туша бошлади. Бу ҳол ёру биродарларини, яқин дўстларини хурсанд қилиб, Исомиддинга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошладилар.

Дўстларининг кўмаклари Исомиддинга қанот бағишлар, илҳомини жўшдириб, янги-янги ижодларга чорларди. Лекин ана шу қуриб кетгур «лекин» қачон йўқолар экан-а. Шундай қилиб, Исомиддиннинг муваффақиятлари баҳосини пастга урадиган ҳамкасблари топилиб қолди. Бири «Ҳа, битта мақола экан-да», деса, иккинчиси «Журналист бўлгандан кейин касбида», деб қобилиятига соя ташлашга ҳаракат қила бошлашди. Учинчиси, ҳатто Исомиддиннинг мақолаларини чиқармасликка ҳаракат қилиб тўсиқлар ясади. Аммо у бу ишларга парво қилмасдан ўз устида тинмай ишлайверди. Ўқиди, ўрганди, ҳаётни кузатди. Қийналиб, турткиларга учраб бўлса ҳам қатор мақолалари ўқувчиларга бориб етди. Бир-иккита китоби чоп этилиши уни янада илҳомлантириб юборди. «Тўсиқчи»ларга парво ҳам қилмай қўйди...

Ҳасадчилар ҳам мақташга мажбур

Олим дўстим Ризоқул ҳаётидан ҳам бир лавҳа. У жуда қийналиб фан номзоди бўлди, қатор рисолалар чоп эттирди, буни кўрган баъзи ҳамкасблари овутдилар. Йиллар ўтиши билан қатор китоблари дунё юзини кўрди. Тинимсиз изланиш уни юзага олиб чиқди.

Юқоридаги ҳар икки мисолдан хулосамиз шуки, киши ўз қадрини ҳалол меҳнат билан топар экан. Иккинчидан, ўз устида ишлаш ҳасадчиларнинг дамини ўчирадиган восита ҳам экан.

«Инсоннинг ҳақиқий қадр-қиммати шундаки, — деб ёзганди француз ёзувчиси Франсуа Ларошфуко, — ҳатто уни ҳасадчилар ҳам мақташга мажбур бўладилар». Аммо ана шу инсон қадр-қиммати ўзўзидан пайдо бўлмас экан, унинг тагида машаққатли меҳнат, залворли заҳмат ётар экан.

Ўз қадр-қимматини билмаслик инсон обрўсининг тушишига олиб келади, кишилар ўртасида бебурд қилиб қўяди.

Танишларимдан бири ўзининг истеъдоди, билими билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Унинг хотирасига, иқтидорига жуда кўп марталаб қойил қолганмиз. Мамажон олиб борган тўй-томошаларда дам олиб, ҳордиқ чиқарардик. Тилининг бийронлиги, жумлалардаги фалсафий мушоҳаданинг кучлилиги, талаффузининг равонлиги, ҳамма-ҳаммаси қойил қоладиган даражада эди. Аммо Мамажоннинг ичкиликка берилиши натижасида қадр-қиммати бир пул бўлди. Олий ўқув юртидан кетди. Бир куни бир дўстимни йўлда учратиб суҳбатлашиб турган эдик, узоқдан Мамажон кўринди. Шунда таништим: «Эй, бўл, тезроқ кетайлик, ана у билан кўришсак, балога қоламиз, пул сўрайвериб, тинкангни қуритади», деб қолди. Эҳ дунё-я, ичкилик шундай истеъдодни не кўйларга солиб қўйибди-я. Филология фанлари номзоди, доцентнинг ўша аҳволини кўриб, ниҳоятда ачиндим. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Суҳбатдошимдан: «Мамажон ҳозир ҳам тўйларни олиб борадими?» деб сўраб қолдим.

— Қаёқда дейсиз, ҳеч ким тўйга ҳам айтмайдиган бўлиб қолди, — деди.

Ҳа, азиз муштарийлар, ўз қадрини билмаслик, унинг баҳосини тушунмаслик жуда кўп нохушликларга олиб келади. Қадр-қимматни асраш — бу инсонийликни асраш демакдир. Модомики, шундай экан, ўз қадрини билиб, уни турли бало-қазолардан эҳтиётлаб юриш даркор.

Мусақул УСМОНОВ,
Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳи КПСС тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Ўзбекистон ССР Халқ таълими Бош бошқармаси

41-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ВС» категориядаги ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга автокранчи, енгил автомобиллар ремонти бўйича автослесарлар, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, суворқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, ғишт терувчи.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник, ғишт терувчи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган ўқувчиларга (ўқиш муддати — 1 йил) стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ҳамма ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

3 йил муддат билан таълим олаётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ва бошқа база корхоналарига ишга юборилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Таълим даврида алоҳида ўзини кўрсатган ўқувчилар имтиёзли шартлар билан техника олий ўқув юртларининг

БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛЎЗИМ: директор номига ариза, аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

8-ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, сонли программа билан бошқариладиган дастгоҳ операторлари, токарь, фрезерчи, кенг соҳадаги дастгоҳсоз.

ЎҚИШГА 9—11 синф МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати 9-синфни тугатганлар учун — 1-2-3 йил, 1-2 йиллик ўқишга қабул қилинганлар касб ўрганадилар ва диплом оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 2 йилга қисқартирилган тажриба группалари ташкил этилган.

Ўқиш тугагандан кейин ўрта маълумот ва эгаллаган касби ҳақида диплом берилади.

11-синфни тугатган ўқувчилар 10 ой ўқитилади ва 65 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган йигитлар учун ўқиш муддати 6 ой, улар ҳам 65 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига киради.

Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, авиамодель, радио, фототўгараклар ишлаб турибди.

Билим юртини «аъло»га тугатганлар олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари ва учувчилик билим юртларига юборилади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент машинасозлик институти самолётсозлик ва механика факультетларининг кечки ва сиртқи бўлимларига ўқишга киришлари мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва тиббий справкалар, мактабдан характеристика, 6 донадан 3×4 ва 4×5 см. катталикдаги фотосурат.

Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинганларгина қабул қилинади.

Билим юрти маскани: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, У. Юсупов кўчаси, Авиация калта кўчаси, 10-уй. (10, 23, 27-трамвайлар; 1, 4, 10, 14, 21-троллейбуслар; 18, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси бекати). Телефон 41-75-54.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);
кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):
кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекатлари.

Тиббиёт қирралари

СЕҲРЛИ НИГОҲЛАР



Жуда қизиқ бўлган эди ўшанда.

Абдуғаффор поликлиникага зарур юмуш билан кирганида йўлакда бир мўйсафиднинг ҳасрати қулоғига чалинди:

— Қаримагин экан, болам. Бошимдан оёғим касал. Ҳали ўпка сиқади, ҳали елка оғрийди. Ҳали оёқларим зирқирайди. Дардимни кимга айтишни билмайман.

Абдуғаффор йўлакдаги ўриндиққа, чолнинг рўпарасига чўкди. «Наҳотки шу отахонда шунча дард бўлса». Мўйсафидга бошдан-оёқ назар солди. Кейин унинг серажин юзларига узоқ тикилди. Мўйсафид кўзларини юмди.

— Қўй болам, бунақа тикилма, кўзларинг қизариб кетяпти.

Мўйсафид кўзлари юмуқ ҳолда бир меъёрда нафас ола бошлади.

— Болам, — ингради у, — ё тавба, оёқларим жимирлашиб кетяпти. Елкаларимда ҳам қандайдир иссиқлик борга ўхшайди. Ё қудратингдан...

Уч-тўрт кун ўтгач мўйсафид Абдуғаффорни яна излаб келди,

— Болам, кўзларингда бир ҳикмат бор. Дардим анча енгиллашганга ўхшайди. Яна бир кўриб қўй.

Икки-уч бор шундай илтимос такрорлангандан кейин мўйсафид ўзини бардам ҳис қила бошлади...

Шундай ҳолдан воқиф бўлган Абдуғаффорнинг дўстлари унга Тошкентга экстрасенслар уюшмаси, яна ҳам аниқроғи табиатда қувват, ахборот алмашиш ва муаммоларни бўйича жумҳурият қўмитасига учрашишни маслаҳат беришди...

Уюшма президенти Фарида Йўлдошева Абдуғаффор Абдуллаевнинг ҳикоясини диққат билан эшитди.

— Бўлади, — деди ниҳоят у, — табиатда қувват ё қўлда, ё кўзда ёки бошқа аъзоларда тўпланади. Ҳамма гап ана шу қувватни беҳуда сарфламай тўғри ишлата билишда. Бу ерга келгунингизча бирон-бир беморни кўрганмидингиз?

— Ҳа, — деди Абдуғаффор, — бир эмас, бир нечасини.

— Қандай дардга йўлиқишган экан?

— Шаҳриниссо Маматованинг қорни жуда қаттиқ оғрир экан. Икки-уч сеансдан кейин «Дарддан фориғ бўлдим», деди. Муҳаббат Ортиқованинг эса юраги безовта қилар, бошн узлуксиз оғрир экан. Бошининг оғриғи босилибди.

— Шу холосми?

— Йўқ, ўн-ўн беш киши.

— Ҳаммаси соғайдими?

— Ҳаммаси...

Абдуғаффор Абдуллаевнинг сеҳрли нигоҳларини «Ёш гвардия» нашриёти ходимлари илк бор синовдан ўтказишди. Уч-тўрт сеансдан кейин синов кутилган натижаларни берди. Шундан сўнг Абдуғаффор Абдуллаев жумҳурият экстрасенслар уюшмасига қабул қилинди. Унга руҳий табиблигини тасдиқловчи ҳужжат топширилди.

Физика-математика фанлари номзоди Тўхтасин Каримбердиев, Равшан Шоюсуповлар ўзлари яратган ускунада Абдуғаффорнинг қувватини ўлчашди, 1550 милливольт «Бунақасини кўрмаганмиз!» дейишди улар ҳам. — «Сизнинг одамларга жуда катта фойдангиз тегиши мумкин».

Орадан бир неча ҳафта ўтиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида эълон пайдо бўлди. Унда кўз билан даволовчи экстрасенс — руҳий табиб Абдуғаффор Абдуллаев тузилган шартномага биноан ҳар ойнинг иккинчи ярмида даволаш сеансларини олиб бориши ёзилганди.

— Экстрасенсларнинг кишиларимизга, жамиятимизга жуда катта ёрдами тегиши мумкин, — дейди фаразбон адиб Ҳожиакбар Шайхов, — улардаги қудратни илоҳий деб атагим келади. Шундай экан, имкон борича руҳий даволовчи тадбирларга кенгроқ йўл очиб беришимиз зарурга ўхшайди. Ажаб эмаски, табиб ва экстрасенсларимиз ҳамкорликда оғир дардларга ҳам даво топишса.

Абдуғаффор Абдуллаевнинг сеҳрли нигоҳлари дардларга даво бўлаётгани ҳақида илиқ гап-сўзлар, миннатдорчилик туйғулари кўплаб айтиляпти, унинг қобилиятига яхши баҳо бериляпти. Қани эди, Абдуғаффор Абдуллаевдек экстрасенсларнинг имконлари тўлалигича намоён бўлса, ҳар устига нур бўларди!

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.



⊙ Суратда: экстрасенс Абдуғаффор Абдуллаев муолажа пайтида.

⊙ Қатнашчиларни учун мислсиз иқтисодий имкониятлар ва молиявий истиқболлар очиб бераётган юзлаб ва минглаб қўшма корхоналар ишга тушаётган бир пайтда, истеъдодли ва ишбилармон мутахассисларни тобора кўпроқ ўзига жалб этаётган кооперативларнинг бир қисми мислсиз муваффақиятга эришаётган бир пайтда шифокор Н. А. Касьяннинг нуқтаи назари кишини ажаблантиради. Хорижий фирмаларнинг мақтовга сазовор, сердаромад таклифларига у: «Мен ўз одамларимни даволашим керак», деб жавоб бераяпти. Яна уларни текинга даволаяпти.

Касьяннинг шогирдлари ва издошларининг ишлари қандай? Биз табобат фанлари номзоди, Москва касалхоналаридан бирининг неврология бўлими мудири Жалол Гаджиевич Саидбегов билан суҳбатлашдик. Унинг фикрига қараганда, Н. И. Касьян методикаси бўйича даволаш санъати халққа ҳаводек зарур. Шунга қарамай бу методика ҳали ҳам табобатимиз томонидан маъқулланган эмас.

СУРАТДА: Ж. Г. Саидбегов навбатдаги беморни қабул қилмоқда.

⊙ СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ. Нижний Тагилдаги «Сирланган идишлар» заводининг расм солиш цехида 200 нафар мусаввир меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бирортаси ҳам иккинчисига ўхшамайди, ҳар бири ўзига хос.

СУРАТДА: завод мусаввирлари ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

ТАСС суратлари.





⊙ «ҲАКАМ ҚАЕҚҚА ҚАРАЯПТИ?».

Р. Шарипов сурат-лавҳаси.

ИТАЛИЯ '90

ЭНГ КУЧЛИЛАР РЎЙХАТИ

⊙ ШУ КУНГАЧА ўтказилган беллашувлардан сўнг биринчиликдаги спорт мухбирлари энг кучли ўйинчилардан иборат жаҳон терма командасининг таркибини эълон қилдилар. Бу команда қуйидаги чарм тўп усталаридан иборат: Линденбергер (Австрия), Бергоми (Италия), Бреме (ҒФР), Пецль (Австрия), Барези (Италия), Гашек (ЧСФР), Донадони (Италия), Маттеус (ҒФР), Карека (Бразилия), Жаннини (Италия), Клинсманн (ҒФР).

ЎЗИГА ХОС БАҲО

⊙ ҒФР терма командасининг бош тренери Ф. Беккенбауэр 1:1 ҳисобида тугаган Англия — Ирландия ўйинини қуйидагича баҳолади: «Бу учрашув бағоят ғалати манзарани намоён қилди. Чунончи, Британиянинг командалари ўзаро ўйнаганларида доимо шундай бўлади, яъни тўп кўпинча ҳавода ёки майдон ташқарисида бўлади. Улар бошқа командалар билан беллашганларида эса ўйинлари яхшиланиб боради».

КИМ НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЧИҚАДИ?

⊙ БИРИНЧИЛИКДА кучли футбол жамоаларининг кўплиги туфайли деярли барча гуруҳларда иккинчи босқичга ўтиш учун тўплар нисбатигача ҳисоблаш кутилмоқда. 6 та гуруҳдан 2 нафардан ғолиб командаларнинг чиқиши аниқ. Лекин гуруҳларда 3-ўринни эгаллаган 6 командадан тўрттасини танлаб олиш мушкул вазифа. Бунда нимчорак финалга чиқиш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳал қилувчи роль ўйнайди: 1) жамғарилган очколар; 2) тўплар нисбати; 3) киритилган тўпларнинг умумий сони (яъни, команда қанчалик кўп гол урган бўлса, унинг имконияти шунча ортади); 4) агар юқоридаги кўрсаткичларнинг барчаси тенг бўлса, унда қуръа ташлаш йўли билан бахтли команда аниқланади.

КУТИЛМАГАН ҚАЛЛОБЛИК

⊙ БИРИНЧИЛИК арафасида Англияда ташкил этилган янги туристлар бюроси ишқибозларнинг Англия — Голландия ўйинини бориб кўришлари учун туристик йўлланмага кутилмаганда жуда ҳам кам — 100 долар баҳо белгилади, Табиийки, бундай арзон баҳода саёҳатга бориб келиш истагини билдирганлар беҳисоб эди. Аммо «қармоқ»қа илинган ушбу лақма ишқибозлар энди футболни «ойнаи жаҳон»дан кўришга мажбурлар. Чунки бюронинг директори ва хазиначиси йиғилган 100000 долларни олиб номаълум томонга жуфтакни ростлаб қолдилар.

ҲАММА ҲАМ ҒАЛАБА ҚОЗОНСИН ЭКАН!

⊙ ҒАРБДАГИ бой футбол командаларининг мутахассислари биринчилик ўйинларини диққат билан кузатмоқдалар. Руминлар Ватанимиз футболчиларини енгдилару, уларнинг чарм тўп усталари талаш бўлиб кетди. Руминия терма командасининг вакили Овидиунинг сўзларига кўра, ўйинчиларга йиғилмадан ортиқ Европа клубларидан ташрифлар тушган. Жумладан, ҳимоячи Попескуни қўлга киритиш учун «Кёльн» (ҒФР) ва «Лечче» (Италия) «жанг» қилмоқда. Лэкэтушни «Фиорентина» (Италия) ўз сафларига чақирмоқда. Бу соҳада Радучой ўзига хос рекорд ўрнатди: бирданига уч командасининг вакиллари уни қўлга киритиш учун кураш олиб бормоқда.

Ёнғин сабаби—лоқайдлик

Ёз фасли ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари учун қийин ва оғир ойлардан ҳисобланади. Чунки бу фаслда ҳарорат 35 — 40 даражага етиб ундан ортиб ҳам кетади. Бу эса ёнғин чиқиши хавфини кучайтиради. Биргина шу июнь ойининг ўн беш кунлигида Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бўлинмалари уй-жойлар, жамоат муассасалари, завод ва фабрика атрофи ва майдонларида ёнаётган чиқиндиахлатларни, ўт-ўланларни ўчириш учун 116 маротаба йўлга чиқдилар. Аниқроқ қилиб айтганда 76 маротаба уй-жойлар яқинида, 40 маротаба жамоат муассасалари, завод ва фабрика майдонларида, шу жумладан, болалар боғчалари, касалхоналар, ўқув юртлари яқинида ёнғинлар содир бўлди. Бундай ёнғинлар айниқса аҳоли зич яшайдиган жойларда, мактаб ва боғча атрофларида содир бўлиши катта хавф туғдиради.

Шундай ёнғинлардан бири Юнусобод даҳасининг 18-мавзесидаги 28-уй ертўласида содир бўлди. Бу хунук хабар Киров район ўт ўчириш қисмини дарҳол оёққа тургазди, орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас улар ёнғин чиққан жойга етиб келишди ва ёнғинни ўчиришди, лекин ёнғин ўз ишини қилиб бўлган эди, натижада 288-мактаб ўқувчилари Мурод Норманов, Сергей Пуставалов, Сергей Клишинлар куйиб, оғир аҳволда касалхонага жўнатилдилар.

Яна бир мисол. Талабалар шаҳарчасида жойлашган Тошкент политехника институтининг янги қурилиш майдонида ҳам ёнғин чиқди. Бу ерда ҳам ўриб олинмаган, қуриб-қовжираган ўт-ўланларга ўт кетган, қисқа вақт ичида 300 квадрат метр майдонни эгаллаган олов тез ўчириб олинмаганда қурилаётган бино ҳам ўт ичида қолиши турган гап эди. Ленин районидаги ОРК нинг 3-магазини, Октябрь районида жойлашган 76-мактаб ва «Феруза» кинотеатри атрофида рўй берган ёнғинларга ҳам ўт-ўланларнинг йиғиштириб олинмаганлиги, ахлат-чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги сабаб бўлган.

Шу кунларда айниқса, шаҳар кўчаларида турар жой микрорайонларида қуриб қолган ўт-ўланларни ёқиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги ташвишлидир. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ҳам қуриган ўт-ўланларни, кесилган дарахтларни йиғиб олиш ўрнига уларни бир жойга тўплар ёқиб юбориш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Сирасини айтганда, шаҳримиз чиройига зиён етказмаслик, ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳар биримизга боғлиқ.

М. ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг инспектори.

«ОҚШОМ»ХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Рўзноманинг навбатдаги сони 23 июнда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА:

бош бухгалтер ўринбосари, корхоналарда камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган маслаҳатчи-юрист, бош металлург хизмати бюросининг бошлиғи, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бюроси бошлиғи, фрезерчилар, силлиқловчилар, саноат ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёрлар, саноат ускуналари ремонтчи-слесарлари, двигателларни йиғиш бўйича механик-йиғувчилар, қуювчилар, темир эритувчи ва олов ёқувчилар, стерженлар, кўприк кранларини бошқарувчилар, авто-электро юк ташувчи ҳайдовчилар;

Мутахассислиги бўлмаган шахслар Владимир вилоятига 6 ой муддатга касб ўрганишга юборилади.

Меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли, ишбай-мукофотли ва қўшимча ишбай нархларда.

Ишга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳардан 25 километр узунликдаги ҳудудида мунтазам пропискага эга бўлган шахслар қабул қилинадилар. 1990-1991 йилларда завод ишчилари учун «Бахт» мавзеси қурилади. Завод ўз ётоқхонасига, болалар боғчасига, хизмат кўрсатувчи автобусларига эга.

Ишга кирганлар 5 йил давомида уй-жой тақсимоти қонунларига биноан квартира олиш имконига эгалар.

Маълумотлар олиш учун: Ҳамза ноҳияси аҳолини ишга жойлаштириш бўлимига (М. Ҳасанова кўчаси, 14-уй) мурожаат қилинсин.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги,

«ИНҚОМС» Болгария фирмаси,

«Узагропромсервис» АДСи

1990 ЙИЛ 26—28 ИЮНДА

ТОШКЕНТДА

«АХБОРОТ ВА КОММУТАЦИЯ СИСТЕМАЛАРИ»

МАВЗУИДА ЯРМАРКА ЎТКАЗАДИЛАР

Фирма фаолияти қуйидагилардан иборат:
— маълумотларни ишлаш ва узатиш;
— кичик электрон-ҳисоблаш машиналари, улар асосидаги системалар ва комплекслар;
— автоматлаштирилган лойиҳа ишлари системаси;
— телекоммутацион аналогли ва рақамли системалар;
— маиший радиоэлектроника;
— монтаж жараёнларини автоматлаштириш учун ўлчов ускунаси;
Кўргазма дастуридан—маърузалар, системалар ва ускуналар намойиши, техникавий ва тижорат сўзлашувлари, ҳамкорлик қилиш юзасидан битим ва шартномалар тузиш ўрин олган.
Харид қилиш шартлари—эркин конверсияланадиган валюта, У — гуруҳ, бартер муаммолари, тайёр маҳсулот.

Кўргазма Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ирригация» павильонида (Энгельс кўчаси, 107-уй) бўлади.
Кўргазма соат 10.00 дан ишлайди.
Кўргазмага таклиф қиламиз.

33-16-95 телефонлари бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОДДИЙ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ТИЖОРАТ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ

1990 ЙИЛ 27 ИЮНДАН 29 ИЮНГАЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

МАТЛУБОТ УЙИДА

— корхоналар ўртасида хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;
— корхоналар ва ташкилотлар томонидан янги турдаги маҳсулотларни реклама қилиш ва уларга бўлган талаб-эҳтиёжини шакллантириш бўйича
Жумҳурият улгуржи-саноат ярмаркасини ўтказади

1990 ЙИЛ 29 ИЮНДА

аҳоли ўртасида харидоргир бўлган ишлаб чиқариш-техника мақсадларига йўналтирилган маҳсулотларни сотиш бўйича

КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ярмарка-ким ошди савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади; Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. Матлубот уйи.

Ярмарка-ким ошди савдосида иштирок этиш ва жой банд қилиб қўйиш учун талабномаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

41-11-20, 41-32-71, 41-16-60 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент телеграф-телефон станциясининг коммутатор цехида қўшимча пулли шаҳарлараро телефон алоқаси кўрсатувчи СЕРВИС СТОЛИ ташкил этилди. СЕРВИС СТОЛИ телефони 44-14-17.

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ:

Чақирилаётган абонентнинг илтимосига мувофиқ буюртма топширилганлиги маълум қилинадиган сўзлашувни телефон номерига ёки бошқа сўзлашув пунктига ўтказиш;

Абонент учун сўзлашув;

Айнан бир матнли фармойиш телефонограммаларни бир пунктда ёки Иттифоқдаги бир неча аҳоли пунктларида жойлашган бир неча абонентларга юбориш;

Чақирилаётган абонентга (чақирилган абонентнинг илтимосига мувофиқ) чақираётган абонентнинг топширилганлигини маълум қилинадиган буюртма бўйича сўзлашувдан бош тортганлигини маълум қилиш.

ИЗОҲ: коммутатор цехи фақат автоматлаштирилмаган йўналишларгагина шаҳарлараро телефон алоқаси ўрнатиб беради.

25 майдан бошлаб Мари шаҳрида 23-АТСнинг ишга туширилиши муносабати билан 2-АТС 3-АТС га уланди, тартиб рақамлари қисман ўзгарди, яъни 26ххх — 31ххх га, 22ххх — 32ххх га, 23ххх — 33ххх га, 27ххх — 37ххх га, 25ххх — 35ххх га; 24ххх — ўзгаришсиз қолади. Шаҳар телефон станциясидаги маълумот бюроси — 32-222.

Ворошиловград шаҳри Луганск деб қайта номланди.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

ЧИЛОНЗОР НОҲИЯСИ АҲОЛИСИ

ДИҚҚАТИГА!

Агар уйингизда холодильник, кир ювиш машинаси, тикув машинаси ёки чанг ютгич ишдан чиққан бўлса сира ташвишга тушманг.

УЛАРНИ ТУЗАТИШДА СИЗГА МАЛАКАЛИ УСТАЛАР ЁРДАМ БЕРИШАДИ.

Манзилгоҳ; Тошкент шаҳри, Д 20, «а» мавзе, 1-уй. (50, 78-автобусларнинг «Универсам» бекати) телефон: 76-89-87.



«РЕМБИТТЕХНИКА» ТОШКЕНТ БОШ КОРХОНАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Маконимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ПРЕМЬЕРА

21, 26-27 ИЮНЬ

СОАТ 19-00 ДА

МОЛЬЕР АСАРИ

А. АБДУЛЛАЕВ ТАРЖИМАСИ.

(2 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ).

«ЛАҚМА КУЁВ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

АРТИСТЛАР: МАТЁҚУБ МАТЧОНОВ, АБДУХАЛИЛ МИГНАРОВ,

Дилбар ИКРОМОВА, Мадина УСМОНОВА,

Шоҳида УЗОҚОВА, Назира АБДУВОҲИДОВА,

Гулбаҳор РАҲИМОВА, Маҳмуд ДЎСТМАТОВ.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, Жумайдулла РАМЕТОВ ва бошқалар.

Билетлар сотилмоқда.

Касса соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар: 44-56-52, 44-11-70.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг

ЖУМҲУРИЯТ ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ АССОРТИМЕНТИ ВА МОДАЛАРИ МАРКАЗИ

Асосий корхона ва филиалининг тикувчилик цехларида ишлаш учун тикувчиларни тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Шаҳарда пропискада турувчи ҳамда тикувчилик кўникмаларига эга бўлган ёш жувонлар ва қизлар таклиф қилинади. Курс ўқувчиларига ойига 65 сўм миқдорида стипендия тўланади. Курсларни битирганларга тикувчи малакаси ва разряд берилади. Машғулотлар ва ишга жойлашиш корхонада ва унинг бўлимларида ўтказилади.

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй (4, 7, 8, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 13, 16-троллейбусларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 56-33-06.

«ЖАНУБИЙ» ВОКЗАЛ БЎЙИЧА ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

(1990 йил 20 июндан бошлаб)

жўнайдиган поездларнинг тартиб рақами	Жўнаш вақти	Йўналишлар	Жўнаш йўли	Қатнаш кунлари
104	3—12	Адлер	5	тоқ кунларда
662	15—38	Бухоро	3	ҳар куни
58	16—44	Волгоград	3	жуфт кунларда
80	17—07	Душанбе	4	ҳар куни
90	17—35	Ашхобод	4	ҳар куни
66	20—40	Китоб	3	ҳар куни

ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ КЕЧ ҚОЛГАН ЛИКЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МОДДИЙ ЗИЁН ТЕМИР ЙЎЛ ТОМОНИДАН ТЎЛАНАДИ.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ «ТОШКЕНТ — ПАССАЖИР» СТАНЦИЯСИ.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» «Ташстроймеханизация» трести трест бош ҳисобчиси бўш лавозимига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий иқтисодий маълумотли ва молия-ҳисобчилик соҳасидаги раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган шахслар конкурсда қатнашишлари мумкин.

Аризалар — 8 июлгача қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА

Ишчи ёшлар кечки ва сиртқи бўлимларига кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этилади. Ўқиш ҳақини ана шу ишчи ёшлар ишлайдиган саноат корхоналари ва ташкилотлари тўлайдилар.

41-12-64, 46-80-96 телефонлари бўйича мурожаат қилинсин.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 21/VI да **Иолан-та**, 22/VI да **Балет, балет, балет** (премьера), 23/VI да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 21VI/ да **Хотинлар «гап»идан чиқан ҳангома** (премьера). 22/VI да **Куёв**, 23/VI да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21, 22/VI да **Юсуф ва Зулайҳо** (премьера).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/VI да **Лақма куёв** (премьера), 22/VI да **Фармонбиби аразлади**, 23/VI да **Зиёфат.**

КИНО

21 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ОИЛА» (катта зал, 18.30, 20.45); «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (кичик зал, 17, 19.30).
Москва — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (17, 19, 20.40).
Восток — «ФИДОИЙ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).
Фестиваль (ёзги) — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (21.00).
Лисунов номли —«ФИДОИЙ» (тоқ соатларда ва 21.00 да).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ВЕНУҚСОН ЖИНОЯТ» (17, 21.00);

22, 23, 24 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ОИЛА» (катта зал, 11, 13.30, 18.30, 20.45); «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
Москва — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).
Восток — «ФИДОИЙ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).
Фестиваль (ёзги) — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (21.00).
Лисунов номли — «ФИДОИЙ» (тоқ соатларда ва 21.00 да).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ГУ-ГА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БИЙСКЭНЕРГОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бийск қозон заводининг шартнома бўлими орқали 1990 йилга тузилган шартномалар

бекор қилинганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР қозонхоналарига энергия эҳтиёт қисмлари етказиб бериш ва капитал таъмирлаш шартномалар тузиш ишини қозонхоналарни капитал таъмирлаш ва уларга фирмали хизмат кўрсатиш бўйича ЎЗБЕК ТЕХНИКА МАРКАЗИ бажаради.

Марказ манзили: Тошкент вилояти, Наримонов шаҳри, «Водник» даҳаси, «Узводспецмонтажналадка» бошқармаси.

Телефонлар: 90-34-67, 90-45-43.

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАР, ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «ОБЛРЕМБИТТЕХНИКА» КОРХОНАСИ

БАРЧА ТУРДАГИ ЁЗУВ МАШИНКАЛАРИНИ ТУЗАТАДИ
ва МИЖОЗЛАРНИНГ ХОҲИШИГА МУВОФИҚ РУСЧА ШРИФТЛАРНИ ЎЗБЕКЧАЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ

АМАЛГА ОШИРАДИ

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоҳ кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 68-84-43, 67-64-48.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

1990 йилнинг II кварталидан (апрель, май, июнь) бошлаб Тошкент шаҳар савдо ташкилотларида бир кишига бериладиган қанд-шакар маҳсулотлари нормаси аввалги 1,5 килограмм ўрнига 2 килограмм қилиб белгиланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Савдо бош бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг Кадрларни тайёрлаш бошқармасига қарашли Тошкент вилояти ўқув комбинатининг ҳисобчилар курсини тамомлаганлиги тўғрисидаги Г. О. **Рўзиматова** номига берилган ОА 108020 номерли йўқолган

ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор район 79-ўрта мактаб томонидан **Зиямуҳамедова Нодира Бўриевна** номига берилган 255401 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 137-ўрта мактаб томонидан **Юсупов Акмал Нигматуллаевич** номига берилган 319135 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллегияси министрлик қошидаги лойиҳалаш-конструкторлик ва технология бюроси жамоаси мазкур бюронинг собиқ бошлиғи, жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Маъдан Орифжоновин ТОЛИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—10100.
140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.